

**Йўллар эстетикасининг ривожланиши.**  
**т.ф.н. доцент Худайбердиев А., магистрант Мадиев Ф.М.,**  
**Юлдашева Ю.И., (СамДАҚИ)**

Йўл обьектига эстетик нуқтаи назардан ёндашув инсониятнинг олис ўтмиши билан бевосита боғлиқдир. Йўлнинг чиройи, гўзаллиги ва ҳашаматлиги унга қайси маънода қарашга боғлик бўлган бир хол бўлиб, тарихий жараёнлар таъсирида шаклланиб, ҳар қайси ҳолатда ҳар хилча турланади.

Лекин эстетиканинг шундай ўзгармас принциплари мавжудки, ҳато мазкур омил қаралаётган йўл учун абсолют характер кашф этади. Бундай принциплар йўл эстетикасида учта бўлтб, улар қуидагилардир:

1. Йўлни фойдалилиги ва гўзаллигини умумлаштиручи тушунча ёки унинг эстетик-функционал мақсадли таърифи;
2. Йўлнинг ташқи гўзаллигини, яъни унинг фзодаги архитектуравий обьект сифатида қаралиши;
3. Йўлнинг бевосита чиройли, яъни ундан келаётган йўловчидаги таъсурот билан йўл атроф-муҳити гўзаллигининг мутаносиблиги;

Одатда келтирилган эстетик принциплар идеал кўринишда ёки ҳолатда ҳеч қачон қузатилмайди. Улар бир-бири билан киришиб кетган ҳолда, яъни бир-бирини бойитган ҳолда кўпроқ учрайди.

Йўл эстетикаси деганда-ундан фойдаланиш натижасида олинган ижобий таъсуротлар йиғиндиси тушинилиб, бу омил ўз ънавбатида кўпгина қулайликлар бевосита боғлик бўлган.

Лекин инсоният фаолияти давомида ер юзининг қарийиб яrimi яшаш учун яроқсиз ҳолатга келди. Буни мисол тарзида кўрсатадиган бўлсак: Неолит давридаги қишлоқ хўжалиги тараққиётини кўзлаб бузиб юборилган қанчадан-қанча табиий ландшафтлар, ер очиш учун ёқиб юборилган қанчадан-қанча Европа ўрмонлари, суғориш тизимларини кўпайтириш оқибатида жанубий-ғарбий Осиёдаги экологик ўзгаришлар ва

ниҳоят XIX-XX асрлардаги илмий-техник инқилоб деб аталувчи бутун дунё масштабидаги қайтариб бўлмайдиган экологик бузилишларнинг асосий намояндаларидан бири ҳам “коммуникацион коридор” – деб аталувчи автомобиль йўллари тизимиdir.

Бундай кескин ва ҳавфли ўзгаришларни кутмаган инсониятга “атроф мухит” ва “экология” деган тушунчаларни идрок этиш ва таҳлил қилиб, илмий хulosалашдан бошқа муҳимроқ вазифа қолмади. Ҳатто бу тушунча архитектура ва қурилиш соҳасига ҳам мустаҳкам жойлашиб, табиатнинг табиийлигини асрашда илмий-ташкiliй асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Автомобил йўлларини қуриш ва унинг эксплуатацияси (улардан фойдаланиш) атроф-муҳитнинг экологик мунтазамлигини бузилишида асосий рол ўйнайди. Яъни муҳитнинг фазодаги ўрнига шикаст етади. Муҳандислик иншооти сифатида фазовий табиий муҳитнинг кўпгина жойини эгаллаб, биз урганган табиий ландшафт чиройини безади

Автомобил йўлларини лойиҳалашнинг турли босқичларида йўлнинг фазовий ўрнини белгилаш, унинг чегарасини табиий шароитга мос равишда кенгайтиришдек муаммолар “архитектуравий бассейн”, “ландшафт йўлаги” ёки бошқа бир атама орқали ифодаланувчи ҳолатга эга боғлиқ бўлиб қолади.

Юқорида қайд қилинган тушунчалар энг аввало йўл муҳитининг ҳолати ёки йўл атрофи реълефининг бевосита йўлнинг эстетик ҳолатига таъсирини белгилайди. Шуларни хисобга олган ҳолда йўл муҳити тушунчаси ўз ичига: йўлни, кўзга ташланган ландшафтни табиий, иқтиодий, маданий қурилиш хоссаларини кўзда тутадиган омилларни, ҳамда йўл ўтадиган худудларнинг барча икир-чикирларини ҳам олади.

Лекин шуни албатта таъкидлаш лозимки, йўл муҳити экологик нуқтаи-назардан ўта муҳим аҳамият касб этади. Яъни ҳар қандай йўл аниқ бир ландшафт орқали ўтади ва ҳар турли табиий элементлардан иборат. Аммо йўлнинг тарихий жараёндаги ўрнига, унинг инсон ҳаёт-фаолияти

учун бир босқич эканлиги барчамизга аён. Демак йўл мухитининг қандайлигидан қатъий назар, энг аввало уни инсон ҳаёт фаолиятига зараридан кўра фойдалироқ қилиб лойиҳалашдек муаммо ҳар қандай мазкур соҳа мутаҳассисини беътибор қолдирмаслиги табиий.

Автомобил йўлинни муҳандислик-эстетика нуқтаи-назаридан таҳлил этилганда унинг обьект сифатида функцияси (роли) ва шакли ўртасида бевосита мавжуд бўлган узлуксиз алоқани кўришимиз мумкин. Бу ҳақда тарихнинг энг қўзга қўринган архитекторлари франциялик Ле Корбюзе ва Америкалик Луис Салливанлар мос равишда таъриф берганлар:

1. Автомобил йўли - яшаш учун харакатланувчи уйдир.
2. Автомобил йўлида шакл функция изидан боради.

Автомобил йўлининг тараққиёт фаолияти одатда “одам-автомобил-йўл” тизимида бажарилаётган иш кўринишида қарали, бунда одам-ҳайдовчи (оператор) меҳнат фаолиятининг асоси сифатида, автомобил бошқарилувчи обьект сифатида ва йўл-ўз навбатида фазовий майдон сифатида таҳлил этилади ва ўрганилади.

Фазовий коммуникациянинг ташкил этилишига таъсир кўрсатувчи яна бир энг муҳим омиллардан бири харакат ритмидир. Бунга эса ўз навбатида бир хил аҳамиятга эга бўлган омилларнинг тақрорланиши киради., яъни тезлик режимининг тақрорланиши, йўналишларнинг ўзгариши, харакатланиш тақрорийлиги ва тўхташнинг тақрорийликлари шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам харакатдаги ритмлилик трассанинг ҳолатига, унинг геометрик параметрларига боғлиқ омил сифатида аниқланмоғи лозим. Чунки тўхташ майдонлари ва дам олиш майдонлари тизими харакат ритмига бевосита боғлиқ омил бўлиб ҳисобланади. Худди шу омиллар автобус хизматини ташкил этишда, яъни автозаправка станциялари, мотеллар, овқатланиш пунктлари ташкил этишда асосий ролни ўйнайди.



Шундай қилиб, автомобиль ҳаракати технологияси талаблари кўпинча фазовий коммуникациянинг фазовий тизимини аниқлаб, унинг эстетик сифатларининг шаклланишида база бўлиб қолади.

Автомобилл йўлини коммуникацион феномен сифатида ўрганар эканмиз, қаралаётган йўл атрофида кузатилаётган объектлардан олинаётган информацияларга кўпроқ аҳамият берамиз. Шунинг учун ҳам автомобиль йўли фазосини (бўшлигини) қамраш шартига асосан ҳаракат жараёнидаги кузатув киради. Бунда ҳайдовчи назарида атроф рангбаранглиги гоҳ пайдо бўлади, гоҳ йўқолади, гоҳ ўзгаради, гоҳ бутунлай ўзгача кўриниш олади.

Архитектурада бундай кузатувни “оралиқ моҳияти” тушунчаси билпн ифодаласа бўлади. Чунки ҳар қандай объект ҳаракатланаётган қузатувчи назарида тез-тез такрорланувчан субъектлардан иборат бўлганлиги учун ҳам, пайдо бўлаётган ва ўтиб кетаётган объектлар кетма-кетлиги ҳақиқатдан ҳам оралиқнинг қисқа моҳиятини кўрсатади холос.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Дзенис П.Я., Рейнфельд В.Р. «Пространственное проектирование автомобильных дорог» М.Транспорт. 1968
2. Оппенгеймер А. «Направления психологической науки» Курьер Юнеско. 1984. №:2 стр.4-6
3. Лобанов Е.М «Проектирование дорог и организация движение с учетом психофизиологии водителя». М.1980